

Муфтий Усмонхон Алимов Абу-Дабидаги халқаро анжуманда қатнашмоқда



09:15 / 04.02.2019 2094

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов Муслмон донишмандлар кенгаши раиси, доктор Султон Румайсий жанобларининг таклифига биноан халқаро анжуманда иштирок этиш учун Бирлашган Араб Амирлигининг Абу-Даби шаҳрига жўнаб кетганди.

Куни кеча Абу-Даби шаҳрида Инсоний биродарлик бўйича анжуман ўз ишини бошлади. Анжуман бош ҳомийси БАА амири Шайх Муҳаммад бин Зоид ал-Наҳён ҳисобланади. Унда дунёнинг барча мамлакатларидан келган таниқли уламолар, машҳур муфтийлар, профессор-олимлар, етук экспертлар, давлат ва дин арбоблари ҳамда турли конфессия етакчилари иштирок этмоқда. Йиғинга бутун жаҳондан мингдан ортиқ меҳмонлар ташриф буюришган.

Дунё халқлари турли муаммоларга дуч келаётган ҳозирги мураккаб шароитда дин пешволари бир жойга жамланиб, ягона мақсад йўлида ҳамкорлик қилишлари ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ушбу нуфузли анжуманда сўзга чиққан нотиклар турли халқлар ўртасида ўзаро бирдамлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ўзаро аҳилликка

эришиш, турли ихтилоф ва фирқачиликка барҳам бериш кераклиги борасида сўзлайди.

Islom.uz портали таҳририяти